



Vaziyat

2023 йил
23 февраль
№ 8 (897)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН СУРИЯГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЮБОРДИ

21 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига асосан Сурия Араб Республикасининг zilziladan jabr kurgan aholisi uchun insonparvarlik yordami yubordi.

Қарийб 50 тоннага яқин юборилаётган инсонпарварлик ёрдами юки рўйхатида болалар ва катталар учун кийимлар, маиший техника воситалари, чидамли озиқ-овқат консервалари, қуруқ мевалар, ярим тайёр овқатлар, чақалоқлар бўтқаси, одёл ва ёстиқлар, гигиеник воситалар тўплами сингари ҳаётий зарур восита ва маҳсулотлар киритилган.

Инсонпарварлик юки ёрдами кўринишидаги ҳаётий зарур восита ва маҳсулотларни самолёт орқали Ўзбекистондан Сурияга Фавқулодда вазиятлар, Транспорт вазирликларининг масъул ходимлари етказиб беришди.

ЎЗА



МУҲОФАЗА ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ



Таъкидлаш жоизки, республикаимиз ўзининг иқлими, жуғрофий жойлашуви жиҳатидан бошқа минтақалардан бирмунча фарқ қилади. Ўлкаимиз zilzila, sel va suv toshqinlari, er xamda qor kuchli hodisalari ridan xoli zona emas. Shuning uchun xam ofatga qarshi kurash dolzarb masalalardan biri xisoblanadi. Tabiiy ofatlarning oldini olish, ruy bergan taqdirda uni tez va qisqa kunlar ichida bartaraf etishda xamkorlik masalalari muxim urin tutadi.

Хавф рўй бермай туриб унинг олдини олган афзал, деганларидек юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар оқибатларини тезкор бартараф этишда куч ва воситаларнинг тайёргарлик ҳолатини оширишда мутасадди вазирлик, идора, ташкилотларнинг махсус хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини такомиллаштириш мақсадида қатор муҳофаза тадбирлари олиб борилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти ташаббуси билан айна кунларда Сурхондарёда Сув хўжалиги, Табиат ресурслари вазирликлари, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ихтисослаштирилган тузилмалар вакилларининг ишчи гуруҳи томонидан сел ҳамда тошқинлар пайдо бўлиши мумкин бўлган хавфли ҳудудлар аэровизул кузатуви орқали амалга оширилмоқда.

ФВВ Матбуот хизмати



УШБУ СОНДА:

AMALIY SAVOQ



4-бет

SUV QUDUQLARI




5-бет

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР



6-бет

КОИНОТ ҲАҚИДА 10 ТА ФАКТ



8-бет

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Тошкент ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Зангиота туманидаги Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар оилаларининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, турмуш фаровонлигини юксалтириш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган тадбир ўтказилди.



Унда Тошкент ҳарбий прокурори адлия полковниги Акбар Бобоев, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, туман ҳокимининг тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ёрдамчилари, тадбиркор хотин-қизлар маркази, ҳунармандлар уюшмаси, касаначилик тадбиркорлар уюшмаси ва ўндан ортиқ корхона, ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

Тадбир доирасида 17 нафар ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи турли касбларга йўналтирилган ўз-ўзини банд қилиш орқали рўйхатга олиниши таъминланди. Шунингдек,

Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан мобиль қурилма орқали жами 187 нафар ҳарбий хизматчи ҳамда уларнинг 24 нафар оила аъзоларининг биометрик паспортларини ID карталарга алмаштиришга эришилди.

Қолаверса, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари малакали шифокорлардан иборат комиссия томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олишди.

Дилшод БОЙҚУЗИЕВ,
Тошкент ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия подполковниги.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Нукус ҳарбий прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани Болалар мусиқа ва санъат мактаби биносида оммавий сайёр қабул ташкил этилди.



Қабулда 100 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари иштирок этдилар. Тадбирда туман ҳокимлиги, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, банк, халқ таълими ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Сайёр қабул давомида 17 та мурожаат келиб тушди. Шундан 3 таси жойида қаноатлантирилган бўлса, 4 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. 10 та мурожаат алоҳида назоратга олинган ҳолда, белгиланган тартибда тегишли ташкилотларга юборилди.

Мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан чизилган расмлар кўргазмаси ҳамда мусиқали чиқишлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Даурен ТУРУМБАЕВ,
Нукус ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия майори.

Навоий ҳарбий прокуратураси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш ва муаммоли масалаларга қонуний ечим топиш мақсадида оммавий сайёр қабул ўтказилди.

САЙЁР ҚАБУЛ

Унда вилоятдаги ташкилот, идоралардан соҳа мутахассислари жалб қилинди, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, нафақадаги ҳарбийларнинг иштироки таъминланди.

Келиб тушган 24 та мурожаатнинг 14 таси белгиланган

тартибда кўриб чиқилди ва ҳал қилиш бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чоратадбирлар белгиланди. 10 та мурожаат юзасидан эса ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Санъат ШОДМОНОВ,
Навоий ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия катта лейтенанти.

НУКУСДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Нукус ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, суд-тиббий экспертиза ва ИИВнинг тегишли соҳа мутахассислари иштирокида Нукус гарнизони маънавият ва маърифат маркази биносида назарий ва амалий ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир орқали ҳарбий прокуратура прокурор-тергов ходимлари ва Нукус гарнизони ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ҳамда муассасаларнинг терговга қадар текширувни амалга оширувчи масъул шахсларнинг фаолиятидаги кўникмаларини ошириш мақсад қилинган.

Машғулот давомида суд-тиббий экспертиза ва ИИВ тегишли экспертизаси-

назарий ва амалий йўллар билан ўргатилди.

Бундан ташқари, соҳа мутахассислари томонидан ҳарбий қисм ҳамда муассасаларнинг терговга қадар текширувни амалга оширувчи масъул шахслар билан ҳуқуқбузарликларни содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитлари, ҳуқуқ-тартибот ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари юзасидан тегишли тавсиялар берилиб, ҳуқуқий кўмак кўрсатилди.

Даурен ТУРУМБАЕВ,
Нукус ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия майори.

Урганч ҳарбий прокурори Умидбек Низамов томонидан Питнак шаҳарчасида жойлашган Мусиқа мактабида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда фуқароларнинг қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш мақсадида сайёр қабул ўтказилди.



Унда тумандаги ташкилот ва идораларнинг тегишли соҳа мутахассислари жалб қилиниб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда ҳарбий пенсионерлар иштирок этди.

Сайёр қабул жараёнида келиб тушган 26 та мурожаатнинг 4 таси жойида ижобий ҳал қилиниб, 10 таси назоратга олинган ҳолда ваколатли ташкилотларга юборилди, 12 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Ғайрат АТОЖОНОВ,
Урганч ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия капитани.

ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

Ҳарбий прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг 3-бандида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий прокуратура органларига қатор вазифалар юклатилган.

Белгиланган асосий вазифалар ижросини таъминлашда

ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий йиғинларга жалб этилган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳамда сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари ва бошқа фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати ўрнатилиб, уларнинг кафолатланган ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқ ва манфаатларини сўзсиз таъминлашда “Инсон қадрини ўрганиш” тамойилига риоя этган ҳолда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тикланишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг

1992 йил 6 апрелдаги қарори билан тасдиқланган имтиёзлар рўйхати ва 2013 йил 22 июлдаги “Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, айрим тоифа шахслар шифокорларнинг рецепти бўйича дори-дармонларни бепул олиши ҳамда амбулаторияда даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминланиши белгиланган.

Бироқ, ҳарбий прокуратура органлари томонидан Бухоро вилоятида Чернобыль АЭС ҳалокати

сабабли ногирон бўлган шахсларга бундай имтиёзлар сўнгги 10 йил давомида қўлланилмаётгани аниқланиб, 236 нафар Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида ногирон бўлиб қолган шахслар оилавий поликлиникаларда тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга шифокорлар томонидан ёзиб берилган рецепт асосида дори-дармонлар бепул берилиши йўлга қўйилди.

Тадбирлар бошқа вилоятларда ҳам давом эттирилмоқда

Қ.ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ходими, адлия капитани.

SEMINAR

Qashqadaryo viloyati Nishon tumani-dagi barcha yong'in-qutqaruv qismlarida viloyat FVB, Qarshi harbiy prokuraturasi va harbiy sud mas'ullari ishtirokida "Korrupsiya – rivojlanishimizga to'siq" va "Kasbim – faxrim" mavzusida amaliy seminar tashkil etildi.



U n d a ma'ruzachilar tomonidan korrupsiya, poraxo'rlik harom ekanligi, korrupsiyaga qarshi barcha tuzilmalarda yangicha tizim, jumladan, ichki nazoratni tashkil etish va uni amalga oshirish bo'yicha har bir tashkilotda bajarilishi

lozim bo'lgan vazifalar belgilanganligi ta'kidlandi.

Shu kunning o'zida tuman FV bo'limiga qarashli 15-, 16-yong'in-qutqaruv qismlarida ham shunday tadbir o'tkazildi.

Unda shaxsiy tarkib va ularning oila a'zolarini terroristik, separatistik, radikal va uyushgan jinoyi guruhlar ta'siridan saqlash bo'yicha so'z bordi.

Seminar yakunida shaxsiy tarkibning savollariga atroflicha javob berildi.

T.TO'RAYEV,

Qashqadaryo viloyati FVB shaxsiy xavfsizlik bo'limi boshlig'i, podpolkovnik.

J. XUSHNAZAROV,

Qarshi harbiy prokurori yordamchisi, adliya katta leytenanti.

AMALIY YORDAM

Farg'ona viloyati FVBning "1050" qisqa raqamiga "Nexia" rusumli avtomobil haydovchisining ehtiyotsizligi oqibatida boshqaruvni yo'qotib, Oltiariq tumani "Poloson" MFY hududidan oqib o'tuvchi Baziquvur kanaliga tushib ketganligi to'g'risida xabar kelib tushgan.

Shunga ko'ra, Farg'ona viloyati FVB maxsus vazifalarni bajaruvchi mintaqaviy qutqaruv otryadi qutqaruvchilari voqea joyiga yetib borib, maxsus texnikalar yordamida avtomobil suvdan chiqarib olindi.

Hodisa oqibatida tan jarohati olgan va halok bo'lganlar yo'q.

Aholidin ALIJONOV,

Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBNQG boshlig'i, katta leytenant.

Qashqadaryo viloyati FVB, Adliya boshqarmasi, viloyat prokuraturasi, diniy idora va juridik xizmat kursatish markazlari hamkorligida hududiy FV b'limlari harbiy xizmatчилари va kutqaruvчилари иштирокида "Биз коррупцияга қаршимиз!" шиори остида давра суҳбатлари, учрашув ва профилактик тушунтириш тadbirlari ташкил этилмоқда.

МУҲИМ ВАЗИФА

Тadbirlar davomida korruptsiyaga qarshi kurashish, shaxsiy tarkib urtasida korruptsiya bilan bogliq noxush holatlarining oldini olish, ta'magirlik, firibgarlik va boshqa jinoyatlardan saqlanish yuzasidan tushuntirish ishlari olib borilyapti.

T.T'URAEV,

Qashqadaryo viloyati FVB shaxsiy xavfsizlik b'limi boshlig'i, podpolkovnik.

Utkirbek YULDAшев,

Dehqonobod tumani FV b'limi b'limnoma boshlig'i, mayor.



Dehqonobod tumani Toshqiniga qarshi kurash komissiyasining navbatdagi yig'iliши b'lib u'tdi. Unda FVDТ хизматлари, tashkilotlar raхbarlari va МФЙ раислари иштирок этди.

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Мажлисида комиссия раиси томонидан 2023 йил давомида сел-тошқин сувлари, қор, ер кўчкилари билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, мавсумни беталафот ўтказиш, сел-тошқин сувлари келиши мумкин бўлган дарё, сой, каналлар яқинида яшовчи аҳолининг табиий офатлар вақтида тўғри ҳаракатланишга оид билимларини мустаҳкамлаш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот тadbirlari юзасидан маълумот ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилиш якунида келгусида амалга оширилдиган тadbirlar юзасидан ўзаро келишиб олинди.

Ў.ЮЛДАшев,

Dehqonobod tumani FV b'limi b'limnoma boshlig'i, mayor.

Ўртачирчиқ тумани FV b'limида профилактик учрашув ўтказилди. Unda Чирчиқ ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия майори С.Календеров иштирок этди.



Тadbir davomida xizmatчиларга ҳуқуқ-тарғиботни мустаҳкамлаш, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, хизмат давомида ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

И.ЗОКИРОВ,

Ўртачирчиқ тумани FV b'limи инспектори, катта сержант.

ИЛЛАТГА ҚАРШИ

"Навоий кон-металлургия комбинати" ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази раҳбарияти, Навоий ҳарбий прокурори адлия полковниги Ж.Ўринов ҳамда вилоят ҳудудидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари масъуллари иштирокида, марказ ҳарбий хизматчи ва хизматчилар ўртасида суицид ҳолатларининг содир этилиши, оилавий муаммолар, келишмовчиликлар, ажралишлар ва уларнинг олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунининг мазмун-моҳияти, ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилаётган жиноятлар, қонун бузилишлар ва бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан кенгайтирилган учрашув ташкил этилди.

Тadbirda Navoiy davlat pedagogika institutining mалакали профессор-ўқитувчилари, viloyat "Oқила аёллар" ҳаракати аъзоси, Navoiy шаҳар кенгаши депутати Латофат Ҳайдарова ва бошқа масъул мутахассислар иштирок этдилар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар томонидан турли кўринишдаги нохush voқeаларнинг олдини олиш за-

рурлиги таъкидланди. Ҳарбий хизматчилар ўртасида коррупция ҳолатларига йўл қўйилмаслиги, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш кераклиги қайд этилди.

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ бoshlig'i, катта сержант.

М.УМУРЗОҚОВ,
Навоий viloyati FVB shaxsiy xavfsizlik b'limi boshlig'i, kapitan.



PROFILAKTIK TADBIR

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi hamda Toshkent harbiy prokurori o'rinbosari adliya mayori F.Saysultonov ishtirokida "Huquqbuzarlik profilaktikasi kuni" munosabati bilan "Harbiy xizmatni o'tash tartibiga qarshi jinoyatlar" va "Korrupsiyasiz faoliyat – rivojlaniш garovi" mavzularida profilaktik tadbir tashkil etildi.

Mazkur yig'ilish davomida harbiy xizmatchilar va xizmatchilar o'rtasida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan korrupsion holatlarning oldini olish, kamchilik va qonun buzilishi bilan bog'liq vaziyatlar yuzasidan ma'ruzalar qilindi. Shuningdek, tartib-intizom va mas'uliyatni kuchaytirish, jinoyatchilikning

oldini olish muhitini mustahkamlash asosiy vazifa ekanligi ta'kidlab o'tildi.

Sh.AHMADALIYEV,
tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi boshlig'i, kapitan.

I.KAJANOV,
bo'lim OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnigi, oddiy askar.



TARFIBOT

Qashqadaryo viloyati Kasbi tumani "Chorshanba – favkulodda vaziyatlarining oldini olish va ёнғинлар профилактикаси kuni" munosabati bilan mutasaddi xizmatlar hamkorligida tarғибот тadbirlari tashkil etildi.

Tuman FV b'limi ходимлари va тегишли соҳа вакиллари иборат 25 та ишчи гуруҳ томонидан тумanning "Тинчлик", "Oққамиш", "Хўжақасби", "Дўстлик" МФЙ ларида 965 та аҳоли яшаш хонадони ҳамда Муғлон қишлоғида жойлашган 10 та кўп қаватли уйлар ўрганилди. Ўрганишлар жараёнида фуқароларга favkulodda vaziyatlar, ис газидан захиралиниш, газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши каби нохush ҳолатлар, ёнғинлар va уларнинг келиб чиқиш сабаблари кўргазмалари тарзда тушунтирилди.

Шунингдек, аҳолига ёқилғи маҳсулотларидан оқилона va хушёр фойдаланиш, газ плита, печлар, электр va газ қурилмаларига ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш муҳим эканлиги юзасидан йўриқнома-лар берилди.

Н.ДОНИЁРОВ,

Касби tumani FV b'limи бoshlig'i, podpolkovnik.

Ш.ҚОБИЛОВ,

Яккабоғ tumani FV b'limи бoshlig'i, podpolkovnik.

OCHIQ DARS

FVV Akademiyasi huzuridagi boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida yong'in-qutqaruv avtomobili haydovchi-qutqaruvchilari tarkibi bilan ochiq ko'rgazmali dars mashg'uloti o'tkazildi.



Unda yosh haydovchi-qutqaruvchilarga yong'in-qutqaruv avtomobilining dvigateli va uning ishlash prinsipi hamda undagi maxsus agregat, ya'ni yong'in ochirish suv nasosining tuzilishi bo'yicha tushunchalar berilib, yong'in, avariya va favqulodda vaziyatlarni bartaraf etishdagi ahamiyati

to'g'risida aytib o'tildi.

Mashg'ulot davomida ishtirokchilarning savollariga atroflicha javob berildi.

R.MAXAMOV,
FVV Akademiyasi
huzuridagi BTvaMOM
sikli katta o'qituvchisi,
podpolkovnik.
J.XOLMURODOV,
sikli o'qituvchisi,
mayor.

YORDAM KO'RSATILDI

Bekobod shahar "Samarqand" mahallasida istiqomat qiluvchi fuqaro FV bo'limi 7-YQQga murojaat qilib, uyining eshigi nosozlik tufayli yopilib qolganligi, ichkarida yosh qizalog'i qolib ketganligini ma'lum qilgan.

Murojaatga asosan tezkorlik bilan voqea joyiga yetib borilib, maxsus asbob-anjomlar yordamida xonadon eshigi ochildi va ichkarida qolib ketgan qizaloga otasiga sog'-salomat topshirildi.

Seydaxan RUSTAMOV,
Bekobod shahar FV bo'limi
boshlig'i o'rinbosari 7-YQQ boshlig'i, mayor.



MALAKALAR MUSTAHKAMLANDI

Kitob tumani FVDT xizmatlari bilan hamkorlikda "Yakkatut" MFYda "Quturish kasalligi tarqalishining oldini olishda FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari" mavzusida ko'rgazmali maxsus-taktik o'quv mashqi bo'lib o'tdi.

Mashq davomida ishtirokchilarga qarovsiz va egasiz itlar, mushuk va yirtqich hayvonlarni doimiy tutish, ularni vaqtincha saqlash, odamlarga jarohat yetkazgan hayvonlarni kuzatuvga olish, zararsizlantirishga oid masalalar yuzasidan amaliy harakatlar bajarildi.

Shuningdek, aholi tomonidan uy sharoitida boqilayotgan hayvonlarni muntazam ravishda kasallikka qarshi emlash, sanitar-dezinfeksiya qilish bo'yicha o'quv nuqtalarida mashg'ulotlar tashkil etildi.

A. ABDURASHIDOV,
Kitob tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i,
katta leytenant.

Qashqadaryo viloyati Ko'kdala tumani "Mangu yurt" MFYda "Odamlar va hayvonlar o'rtasida quturish kasalligi tarqalishining oldini olishda FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari" mavzusida ko'rgazmali maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

O'quv mashqi 2 bosqichda bo'lib, nazariy qism tumandagi 1-kasb-hunar maktabida o'tkazildi. Unda viloyat FVB xodimi kapitan **R.Turdiyev,** Sog'liqni



TRENING

Olmazor tumani Qoraqamish ko'chasidagi 15-oilaviy poliklinikada tuman FV bo'limi, veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo'limi hamda SEO va JSX bo'limi xodimlari bilan hamkorlikda odamlar va hayvonlar o'rtasida quturish kasalligining oldini olish bo'yicha seminar-trening va maxsus-taktik o'quv mashg'uloti o'tkazildi.



Yig'ilish davomida SEO va JSX tuman bo'limi vrach epidemiologi K.Rahimova tomonidan quturishning o'ta xavfli kasallik ekanligi, bahor faslida uy hayvonlarida ushbu kasallikning kuchayish ehtimoli katta ekanligi, o'z vaqtida uy hayvonlarini tibbiy ko'rikdan o'tkazish choralarini ko'rish bo'yicha tushunchalar berildi.

Seminar qatnashchilari o'zlarini qiziqtirgan savollarga mutaxassislardan javob oldilar.

M.MELIBOYEV,
Olmazor tumani FV bo'limi bo'linma
boshlig'i, mayor.



O'QUV MASHQI

Yangi Namangan tumanida "Odamlar va hayvonlar o'rtasida quturish kasalligi tarqalishining oldini olishda FVDT xizmatlari kuch va vositalarining hamkorlikdagi harakatlari" mavzusida ko'rgazmali maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

Tadbir 3 bosqichda bo'lib, nazariy qism tumandagi 65-umumta'lim maktabida tashkil etildi.

Tuman tibbiyot birlashmasi negizidagi markaziy poliklinikada itdan jabrlangan fuqaroga antirabik birinchi tibbiy yordam hamda quturishga qarshi emlash tadbiri amalga oshirildi.

O'quv mashqi davomida

mutasaddi xizmatlar rahbariyati, it tutish guruhi, epidemiya va epizootiyaga qarshi kurashish guruhlari bilan savol-javob va suhbatlar o'tkazildi.

Mashq yakunida yo'l qo'yilgan kamchiliklarni bartaraf etish bo'yicha tavsiyalar berildi.

Sanjarbek RAHIMOV,
Namangan viloyati FVB
xodimi, serjant.

AMALIY SABOQ

saqlash boshqarmasi xodimi G'.Pirnayev, Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmati xodimi O'.Yo'ldoshev, Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish boshqarmasi mas'ul xodimi A.Ismoilovlar ma'ruzalar qildilar.

Tadbirning amaliy qismida tumanlardagi obodonlashtirish bo'limlari, it tutish bo'linmalari maxsus tex-

nikalari va asbob-anjomlari ko'rigi o'tkazilib, daydi itlarni tutishda talab etiladigan xavfsizlik qoidalari amaliy tarzda namoyish qilindi.

R.TURDIYEV,
Qashqadaryo viloyati
FVB bo'lim boshlig'i,
kapitan.

A.LAPASOV,
Chiroqchi tumani
FV bo'limi bo'linma
boshlig'i, katta
leytenant.

FVV Akademiyasi huzuridagi boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi o'quv vzvodlari o'rtasida shaxmat musobaqasi o'tkazildi.

SHAXMAT MUSOBAQASI

Musobaqani markaz boshlig'i polkovnik S.Ahmedov kirish so'zi bilan ochib, ishtirokchilarga omad tiladi.

Bahslar yakuni bo'yicha 1-o'rinni 3-vzvod tinglovchilari oddiy askar I.Buxorov, 2-o'rinni oddiy askar I.Abdullayev, 3-o'rinni esa xizmatchi B.Ro'zuqulov egalladilar.

G'olib va sovrindorlar faxriy yoriq hamda esdalik sovg'alari bilan taqdirladilar.

S.JUMANOV,
FVV Akademiyasi huzuridagi BTvaMOM
katta ofitseri, mayor.
J.BOBOQULOV, oddiy askar.



TAKTIK MASHFULOT

Toshkent viloyati O'xangaron shahrida "Odamlar va hayvonlar o'rtasida quturish kasalligi tarqalishining oldini olishda FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari" mavzusida maxsus-taktik o'quv mashg'uloti bo'lib o'tdi.

O'quv mashg'ulotida viloyat FVB, shahar hokimligi vakillari, Ichki ishlar, Milliy gvardiya, shahar va tumanlarning Obodonlashtirish boshqarmalari, dardi hayvonlarni tutish brigadalari, SZO va JSB, mahalla fuqarolar yig'inlari mas'ullari va boshqa mutasaddi soha xodimlari qatnashdi.

Azizbek Q'USHAQOV,
O'xangaron shahar FVB bo'limi
boshlig'i urinbosari, kapitan.



Матонат соҳибалари

ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ ХИЗМАТ

Гўзаллик ва нафосат, садоқат рамзи, нозик ҳилқат ҳисобланган аёл жондек азиз фарзандларининг биргина табассу-ми учун ўз ҳаловатидан кечадиган меҳрибон, мушфиқ она, оила фариштаси, жамиятимизнинг эса гултождир.

Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган даврда аёллар уй-рўзгор юмушлари, бола парвариши билан бир қаторда юртимизнинг фаровонлиги ҳамда иқтисодий-мизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Уларнинг сиёсат майдонида, иқтисодий, саноат тармоқларида, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида, умуман, барча жабҳада фаоллиги ортиб бораётганлигини бугунги ислохотлар жараёнида янада яққол кўрмоқдамиз.

Жаҳонда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар Фавқуллода вазиятлар вазирлиги тизимида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Соҳа фаолиятида ўзига хос самарадорликка эришишда тизим хотин-қизларининг ҳам улкан ҳиссаси бор, албатта.

Улар орасида ФВВ Молия-иқтисод бошқармаси бўлим бошлиғи полковник Гулжан Тўрехожаева ҳам бор. Ўз касбига меҳр қўйиб, соҳа сир-асрорларини пухта ўзлаштирган қаҳрамонимиз Ватанимиз тараққиёти, унинг янада гуллаб-яшнаши йўлида зиммасидаги масъулиятли вазифаларини садоқат билан адо этиб келмоқда.


Гулжан Тўрехожаева аҳо-

ли ва ҳудудлар осойишталигини таъминлашдек, шарафли ҳамда машаққатли касбда хизмат қилиб, соҳада учрайдиган қийинчиликларни сабот билан мардонавор енгиб келмоқда. Қозоғистон Республикаси Жанубий Қозоғистон вилоятининг Ордабаси тумани Темирлан қишлоғида беш фарзанддан иборат бўлган зиёлилар оиласида дунёга келган Гулжан болалигидан ҳарбий соҳада хизмат қилишни истаган. Ота-онаси ҳам фарзандининг яхши касб эгаллашини хоҳлагани тусфайли қизининг истагига қарши боришмаган, аксинча, қўллаб-қувватлашган. Уни ўз олдига қўйган энг катта мақсадларидан бири – ички ишлар идоралари хизматида кириш бўлган.

Ота-онаси фарзандларининг турли соҳа вакиллари бўлишини, жамиятга керакли, етук мутахассислар бўлиб етишишни орзу қилишган. Шу боис, оилада камолга етаётган ёшларни ўзлари қизиққан касб эгаси бўлишларини қўллаб-қувватлаган.

Гулжан Тўрехожаеванинг ҳарбий соҳада хизмат юртишида, айниқса, турмуш ўртоғининг ҳиссаси бениҳоя катта бўлган. Бу инсон ҳарбий аёлларнинг хизмат фао-

лиятини жуда яхши тушунгани учун рафиқасининг хизмат фаолиятини қўллаб-қувватлади, кўмак берди, унга ҳаммаша суянч бўлди. Бу мавзуда улар кўплаб суҳбат қуришар, ойнаи жаҳонда матонати акс эттирилган юрт қаҳрамонларининг хизмат фаолияти ху-



сусида фикрлашар эдилар.

– Бир инсонга бериладиган муқаммал бахтга эришганим учун тақдиримдан беҳад миннатдорман, – дейди Гулжан Тўрехожаева. – Ҳаётимдаги бахтни, қувонч-шодликларни, касбим, хизматим орқали эришаётган хурматимни, умуман, буларнинг ажиб бир завқини тил билан шунчаки таърифлаб бўлмайди.

Қаҳрамонимиз Қозоғистон Республикаси Молия-иқтисод университетида бир қатор фидойи педагоглардан таълим олган. Соҳанинг сир-асрорларини ўрганиш борасида астой-

дил ҳаракат қилган. Дастлабки иш фаолиятини Ордабаси туманида ҳисобчиликдан бошлаган. Турмушга чиққандан сўнг Тошкент шаҳар ИИББда ҳисобчи лавозимида меҳнат қилишга киришди. Шундан кейин бош мутахассис, бош инспектор, бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилди. Киши қайси соҳани танламасин, устозларидан сабоқ олади, билимини мустақамлаб боради, улардан касб сирларини ўрганади.

лавозимида хизмат фаолиятини давом эттирмоқда. Дастлаб бироз кўрқув, сўнг эса ҳаяжон, ҳадик ҳам бўлган. Бироқ, ўзи севган касб билан шуғулланиш унга завқ бағишлайди.

– Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ёнғин-қутқарувчилари, матонатли халоскорлар ва уларнинг машаққатли хизматлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, шунча кам деб ўйлайман, – дейди Г.Тўрехожаева. – Айни дамда вазирлигимизнинг юздан ортиқ қутқарувчилари, чин маънода, қаҳрамонларга айланган, десак муболаға бўлмайди. Улар касбга садоқат, юрт олдидаги бурчларига содиқ қолган ҳолда ҳеч қандай хавфдан кўрқмасдан, Туркия давлатида юз берган вайронкор zil-зила оқибатларини бартараф этиш, инсонларни қутқаришда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ҳа, қутқарувчи – биргина сўз. Аммо унинг ортида қанчалаб машаққат, хавф-хатар, ҳаёт-мамонт жанги ётади. Бу курашда қутқарувчи офатларга, талафотларга юзма-юз келади. Буни, албатта, ўз бошидан кечирган инсонлар янада теран ҳис қиладилар...

Полковник Гулжан Тўрехожаева ҳам ана шундай эзгу ниятли, олийжаноб инсонлар сафида. Бажараётган хизмат вазифасидан қатъи назар у халоскорлар билан бирга, ҳамқадам ва ҳаммаслак.

Ана шундай шарафли ва машаққатли вазифа йўлида қаҳрамонимизга бугунгидек бардамлик, куч-қувват, оилавий хотиржамлик ҳаммаша ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Анвар ҚОБИЛОВ,
“Vaziyat” мухбири.

MUNOSIB TAYYORGARLIK

Ohangaron shahrida FVDT tarkibiga kiruvchi xizmatlarning maxsus texnikalari va ishchi-xodimlari ishtirokida maxsus-taktik o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

Tadbir davomida toshqin suvlari, sel oqimlari va ko'chki hodisalari xavfi bilan bog'liq favqulodda vaziyatlardan aholi va hududlarni muhofaza qilishning eng dolzarb hamda muhim jihatlari haqida tushuntirish va targ'ibot ishlari amalga oshirildi. Shahar hududida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan sel, suv toshqinlari bilan bog'liq holatlarda qanday harakat qilish lozimligi xususida ma'lumotlar taqdim qilindi, shuningdek, xizmatlarning shayligi tekshirildi.

Azizbek QO'SHAQOV,
Ohangaron shahar FV bo'limi boshlig'i
o'rinbosari, kapitan.



Olmazor tumani FV bo'limi hamda tuman suvsoz xodimlari hamkorligida amalga oshirilgan sa'y-harakatlar o'zining natijadorligi bilan muhim ahamiyat kasb etadi.

SUV QUDUQLARI



Tashkil etilgan o'rganish ishlari davomida hududdagi mavjud suv quduqlarining holatiga jiddiy ahamiyat qaratildi. Chunki favqulodda vaziyatlar va yong'in sodir bo'lganda suv quduqlari soz holatda bo'lishi kerak. Shu bois, asfalt ostida qolgan suv quvurlarining ustki qismi ochildi, suv quduqlaridagi nosozliklar bartaraf etildi.

Shuningdek, o'rganishlar doirasida yangi suv quduqlari aniqlandi, ko'rinadigan tarzda shartli belgilari chizildi. Fuqarolarga ko'cha yuzidagi suv quduqlariga boruvchi yo'llarni to'sib qo'ymaslik bo'yicha tushuntirish ishlari amalga oshirildi.

Yahyo RO'ZIQULOV,
Olmazor tumani FV bo'limi smena
boshlig'i, mayor.

ТЕХНИКАЛАР ШАЙЛИГИ

Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқуллода вазиятларда ҳаракатланишига тайёрлаш юзасидан Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманида ташкил этилган йиғма команда таркибига кирилган техникалар ҳолати ва шайлиги ўрганиб чиқилди.

Дастлаб туман ҳокимлиги биноси олдида саф кўриги бўлиб ўтди. Унда туман ФВ бўлими бошлиғи подполковник А.Байменов, туман ҳокими ўринбосари Ғ.Абдимуратов, шунингдек, тумангаз таъминоти филиали, электр тармоқлари корхонаси, туман ИИБ вакиллари, ободонлаштириш бўлими, тиббиёт бирлашмаси, ЙПХ ходимлари, сув таъминоти бўлимлари мутахассислари иштирок этди.

Подполковник А.Байменов саф кўригини текшириш жараёнида ҳамкор ташкилот ходимларининг билим ва кў-

никмаларини савол-жавоб тарзида ўрганди. Шундан сўнг туман ҳудудида турли фавқуллода вазиятлар содир бўлганида ҳар бир ташкилот ўзига юклатилган вазифани адо этиши жоизлиги тушунтирилди ва барчага зарур маълумотлар берилди.

Э.ЖУМАОБОВ,
Қуйичирчиқ тумани ФВ бўлими бўлинка бошлиғи,
катта лейтенант.
Ф.САЙФИДИНОВ,
Янгийўл тумани ФВ бўлими бўлинка бошлиғи,
катта лейтенант.



ДОИМИЙ НАЗОРАТ

Навоий вилояти марказида жойлашган sanoat майдони объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими профилактика ва ёнгин назорати инспекторлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида 80 га яқин ишлаб чиқилган ёзма кўрсатмалар объектлар раҳбарларига ижро ва назорат учун тақдим этилган.



Шунингдек, ҳафтанинг ҳар чоршанбаси – “Фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлар профилактикаси” куни доирасида профилактик учрашувлар, давра суҳбатлари ва тарғибот ишлари ташкиллаштириб келинмоқда. Мазкур тадбирларда рес-

публикамизда содир бўлган ёнгинлар ва инсонларнинг исгаздан заҳарланиш ҳолатларига таҳлилий тўхталган ҳолда, аҳолига ушбу ҳодисалардан сақланиш бўйича тушунтиришлар берилмоқда.

Ҳозирда бу каби тадбирлар давом эттириляпти.

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ бошлиғи,
катта сержант.
Ҳаётбек ХОЛИҚУЛОВ,
инспектор, катта лейтенант.

ҲАМКОРЛИКДА

Миробод тумани ФВ бўлими ҳарбий хизматчилари “Байналминал” МФЙ ҳудудида жойлашган хонадонларни ўрганишди. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида айрим хонадонлар иситиш қозонининг дудбурони курумлар билан тўлиб қолганлиги ва бунинг оқибатида носоз ҳолга келганлиги аниқланди.

Ушбу камчиликлар Тошкент шаҳар Ёнгина қарши курашиш жамияти ҳудудий бўлими ходимлари билан биргаликда бартараф этилди. Фавқулодда вазиятлар, исгаздан заҳарланишнинг олдини олиш ҳамда ёнгин хавфсизлиги бўйича 962 та хонадон ўрганилди ҳамда 1820 нафар фуқарога йўриқнома ўтилди.

Ж.ЭГАМНАЗАРОВ,
Миробод тумани ФВ бўлими мутахассиси.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг “Олмазор” ва “Қутлуқтол” маҳаллаларида туман ФВ бўлими ҳамда ФВДТ хизматлари иштирокида аҳоли яшаш хонадонларида, ижтимоий соҳа объектларида ёнгин, чақнаш, исгаздан заҳарланиш, ботулизм касалликлари, шунингдек, бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан профилактик тушунтириш ишлари амалга оширилди.

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР



Мазкур тадбир давомида 950 та хонадон кўриқдан ўтказилди ва 1235 нафар фуқаро билан ёнгин хавфсизлиги, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ёш болаларни назоратсиз қолдирмаслик, исгаздан заҳарланиш ҳолатларига йўл қўймаслик зарурлиги ўқитилди. Қолаверса, яшаш уйларидаги том қисмига ҳашак ва ўтинлар жойлаштирмаслик кераклиги айтилди. Хонадонларда аниқланган камчиликлар юзасидан тушунтириш ишлари амалга оширилди. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузган фуқароларга огоҳлантириш хатлари берилди.

Ижтимоий соҳа объектларида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш учун маскан раҳбарларига кўрсатмалар берилди, даллатномалар тузилди ва камчиликлар юзасидан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, мактабгача таълим ташкилотидаги ёш болажонлар билан ёнгиннинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш борасида суҳбатлар ташкил этилди.

Рустам ТУРСУНОВ,
Наманган вилояти ФВБ ФВДТ ва ФМФТЭБ бошлиғи, майор.
Авазбек АБДУЛЛАЕВ,
Янгиқўрғон тумани ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

ОБЪЕКТЛАРДА ЁНГИН ХАВФИ

Қурилиш соҳасидаги энг муҳим масалалардан бири, бу – қурилиш объектларининг ёнгин хавфи масаласидир.

Корхоналарда кўп ишчилар иштирок этадилар, уларнинг ҳаётини асраш муҳим вазифа. Қурилиш объектларидаги ёнгинлар атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади, чунки қурилишда ишлатиладиган материаллар ёнганда заҳарли моддалар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Автохўжалиги биносида қурилиш ишчи-хизматчиларига фавқулодда вазиятлар, ёнгин содир бўлганда бирламчи ёнгин ўчириш воситаларидан фойдаланиш юзасидан амалий ва назарий билимлар берилди.

И.БЕКЖОНОВ,
ВМ автохўжалиги биноларида ЁХТТЭБ инспектори, катта лейтенант.

Газ чақнаши, табиий ва исгаздан заҳарланиши ёки содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш бўйича давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати мутасадди ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли яшаш секторлари, халқ хўжалиги масканларида ҳамда sanoat корхоналарида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

ОГОҲЛИК

Бироқ, олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамастан, айрим хонадон эгаларининг бепарволиги оқибатида исгаздан заҳарланиш ҳолатлари кузатилаётган. Исгази инсон ҳаёти учун жуда хавфли бўлиб, у билан заҳарланганда зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатилмаса, инсонларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишдан кўра, уларнинг олдини олиш афзалдир!

Нодирбек ҲАСАНОВ,
Қарши туман ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.
Бахтиёр ЖўРАЕВ,
етакчи инспектор.

MChJ “Uz kor Gas chemical” QKning ishchilari bilan o'tkazilgan uchrashuvda is gazidan zaharlanishning oldini olish, elektr moslamalarini to'g'ri ishlatish, ularni nazoratsiz qoldirmaslik, isitish pechlarini soz holga keltirish va boshqa tadbirlar yuzasidan tushuntirish olib borildi.

TAVSIYALAR BERILDI

Shuningdek, fuqarolarga xonadonlarda, korxonalarda yuzaga keladigan favqulodda vaziyatlar va ularning ayanchli oqibatlarini yuzasidan ma'lumotlar berildi.

T.ALLAMBERGENOV,
MChJ “Uz kor Gas Chemical” YXTTEB katta inspektori, katta leytenant.

QURILISH MAYDONI XAVFSIZLIGI

Har qanday qurilish maydonidagi yong'in xavfsizligi, ko'p jihatdan qurilish bosh tarixida yong'inga qarshi tadbirlarni me'yor talabi darajasida puxta ishlanganligi va ish jarayonida ularni to'liq bajarilishiga bog'liqdir.

Jumladan, unda doimiy va muvaqqat qurilajak binolar orasidagi yong'inga qarshi oraliqlar, avtomobil yo'llari va piyodalar uchun yo'lakalar, ko'prikchalar, yonishga moyil ashyolarning xavfsiz saqlanishini ta'minlash, suv ta'minoti tarmoqlari va kanalizatsiyani kiritish, elektr tarmoqlari va yoritgichlarni o'rnatish, yong'in paytida ishlatish uchun gidrantlarni o'rnatish yoki shu maqsad uchun suv olish manbalarini tayinlash, olov yoqish va chekish uchun xavfsiz joylarni belgilash batafsil yoritilgan bo'lishi kerak.

Qurilish maydonini tayyorlash davridayoq kanalizatsiya va suv tarmog'ini kiritib, yong'in gidrantlarini bir-biridan 100 m.dan va foydalanajak binodan 5 m. ko'p bo'lmagan masofada o'rnatish lozim bo'ladi.

Gidrantlarni joylashgan joyida yoritgichlar o'rnatilgan bo'lib, moshinalar uchun asfalt yotqizilgan yo'llar bo'lishi shart va ko'zga ko'rinadigan tarzda PG deb yozib qo'yilgan bo'lishi kerak.

Qurilish maydonida yonuvchan chiqindilar (yog'och qipiqdari, payraxalar, qirindi va boshqalar)ni saqlash joyini to'g'ri tanlash, ya'ni shamol chiqib ketadigan yo'nalish bo'yicha bino va inshootlardan kamida 50 m. masofada joylashishi kerak.

Shohruh ASQAROV,
Toshkent shahar FVB YXTTEB YN va RB inspektori, katta leytenant.

Жиззах вилояти Бахмал тумани “Молгузар” МФЙ Тўпон қишлоғи ҳудудидан ўтувчи Хўжасой сел йўлида аҳоли хонадонлари, мол-мулкни сел сувларидан муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда.



Шароф Рашидов тумани “Кўрпасой” МФЙ Танги қишлоғи ҳудудидаги қирғоқларни мустаҳкамлаш, сел йўлларини тозалаш, муҳофаза зонасида жойлашиб қолган объектларни аниқлаш бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик-

МУСТАҲКАМЛАШ ИШЛАРИ

да зарур муҳандислик ишлари ва фуқаролар билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу каби профилактик ва амалий тадбирлар орқали фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳамда мол-мулкига хавф солувчи сел ва сув тошқинларини хавфсиз ўзганга буриб

юбориш кўзда тутилган.

Тоҳир АДIZОВ,
Бахмал тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, капитан.
Шаҳбоз РУСТАМОВ,
Шароф Рашидов тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

● Aholiga xabar berish – bu yuzaga kelishi mumkin bo'lgan zilzila, suv bosishi yoki boshqa tabiiy ofatlar haqida ogohlantirish bo'lib, avariya haqida axborotlarni yetkazishdir.

АХОЛИГА ХАВАР БЕРИШ

Xabar berish avvaldan belgilangan shartli signalardan boshlanadi.

Aloqa vositalari va xabar berish usullari oldindan rejalashtirilgan va tashkil qilingan bo'lishi kerak. Fuqaro muhofazasi tadbirlarini o'tkazishning barcha rejimlarda aloqa va xabar berish vositalari asosiy o'rin egallaydi.

Har qanday xavf-xatar holatida elektr sirenalari orqali "Diqqat barchaga!" signalidan foydalaniladi.

Sirena ovozi eshitilgan zahoti televizor, radiopriyomnik, radiokarnaylar orqali mahalliy hokimiyat organlarining xabarlarini o'z vaqtida yetkazish zarur.

Kamila JUMAKULOVA,
FVV Akademiyasi huzuridagi FMI o'qituvchisi.

СУВ ТОШҚИНЛАРИГА ҚАРШИ

● Хозирги кунда Самарқанд вилоятида хавфли гидрометеорологик ҳодисалар, геологик жараёнлар, сел-сув тошқинлари ва кўчки ҳодисаларини беталафот ўтказиб юбориш бўйича вилоят Тезкор штаби ташкил этилган бўлиб, ФВДТга кирувчи барча ташкилотлар томонидан махсус техникалар рўйхати шакллантирилди. Айтилган масъуллар томонидан навбатчилик олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, 2020–2022 йиллар давомида вилоятнинг сел ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудларида жами 17 та назорат-кузатув постлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари ҳудудидан оқиб ўтувчи дарёлар, сойлар ва каналлар ўзанларини тозалаш, қирғоқ ва дамбаларни мустаҳкамлаш мақсадида жами 52 та махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Мазкур тадбирлар жараёнида жами 17431 метр. куб тупроқ, 17936 п/м. ўзан тозалаш, 7667 метр. куб қум-шағал ишлари бажарилди.

Аҳоли пунктларида тезкор профилактик тадбирларни кучайтириш, сел оқимлари юзага келганда, оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш чоралари тавсия этиб борилмоқда.

Илҳом БОҚИЕВ,
Самарқанд вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.
Зиёвуддинхон НАРЗУЛЛАЕВ,
ФВБ Академияси курсанти.

Бектемир тумани ҳокимлиги ташаббуси билан "Oltintopgan" MFY ҳудудидagi 337-sonli umumta'lim maktabida favqulodda vaziyatlar bo'limi mas'ul xodimlari, qo'riqlash bo'limi boshlig'i o'rinbosari, mayor I.Solijonovlar va IIO FMB vakillari ishtirokida "Yosh qutqaruvchi klublari faoliyatini tashkil etish" mavzusida seminar o'tkazildi.

КЛУБЛАР FAOLIYATIGA BAG'ISHLANDI

Unda tuman aholisi va hududlarini favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish, fuqaro muhofazasi hamda yong'in xavfsizligini ta'minlash bo'yicha amalga

oshirilayotgan tadbirlar, galdagi vazifalar xususida ma'lumotlar berildi.

D.KENJABOYEV,
Bektemir tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, kapitan.



Маънавият дарси

● Аёл – оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки. Аёллар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод ва нурафшондир. Хотин-қизлари эъзозланган, қадрланган юртнинг эса бугуни ва эртаси фаровон. Чунки аёл меҳнати билан жамият тўлақонли ривожланади, тараққий этади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Юртимизда аёл раҳбарлар – вазирлар, ҳокимлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, банк ва компаниялар раислари, ҳуқуқ-тартибот идораларида, Қуролли Кучларимиз таркибида масъул вазифаларда хизмат қилаётган опа-сингилларимиз сони ортиб бормоқда.

Хотин-қизлар ҳам зиммаларидаги масъулиятни тўлиқ ҳис этиб, қайси соҳада бўлмасин, самарали меҳнат қилиб, юрт равнақи, халқ фаровонлигига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

АЁЛ – ОИЛА ВА ЖАМИЯТ УСТУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиб келяпти.

Фармонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, қонуний манфаатларини ҳимоялаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, ҳозирда ушбу вазифалар изчиллик билан бажарилмоқда. Барчамиз ушбу оқилона ислохотларнинг гувоҳига айланиб бормоқдамиз.

Аёл – меҳрибон она, мушфиқ опа-сингил, садоқатли ёр ва жондек азиз қизларимиздир. Чиндан ҳам, ҳаётда турмуш юмушларининг кўп қисми аёллар зиммасига тушади. Агар аёл ҳаётда ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлса, жамият

соғлом бўлади. Чунки, келажакнинг меваси бўлмиш фарзандлар оналар сабабли дунёга келдилар. Болаларга бошланғич таълим-тарбия ва одоб-ахлоқни улар ўргатадилар. Шундай экан, келажак авлоднинг баркамол бўлиши аёлларнинг ҳар жиҳатдан етук бўлишига боғлиқдир. Бежиз ҳикматларда: "Ҳар бир буюк шахснинг ортида аёл бор" дейилмаган...

Юртимизда аёлларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва етук бўлишлари, меҳнат ва касб-ҳунарлар билан шугулланишлари учун барча шароитлар муҳайё. Ҳар йили 8 март санасининг халқаро хотин-қизлар куни сифатида дам олиш куни деб эълон қилиниши, давлатимиз ва ҳукумати томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг барчасида уларга алоҳида имтиёзлар берилганлиги аёлларга муносиб эҳтиром намунаси, албатта.

Унутмаслик керакки, хотин-қизларга ҳамиша ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ҳар бир ўғлон учун ҳам шараф, ҳам муқаддас вазифадир.

Баҳодир ВАЛИЕВ
интернет манбалари асосида тайёрлади.

ZAVODDA MODERNIZATSIYA

● "Farg'ona neftni qayta ishlash zavodi" MCHJda yangi ishlab chiqarish qurilmalarini qurish va qayta rekonstruksiya qilish ishlari bajarilmoqda.

Xususan, "Enteer-engineering" kompaniyasi tomonidan korxonada hududida 10 ga yaqin qurilish ishlari amalga oshirilmoqda. "FNQIZ" MCHJ binolarida yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limi xodimlari tomonidan ishchi-xizmatchilar o'rtasida profilaktik tadbirlar olib borilmoqda. Asosiy e'tibor qurilish jarayonida yong'in xavfsizligi qoidalariga qat'iy amal qilish, zavodning yong'in xavfsizligini ta'minlashga qaratilmoqda. Ayni shu masalalar yuzasidan tegishli tavsiyalar ishlab chiqilib, ishchi-xizmatchilar faoliyatiga tatbiq etilmoqda.



D.ASQAROV,
"FNQIZ" MCHJ binolarida yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limi katta inspektori, kapitan.

ФИРИБГАР ЖАЗОЛАНДИ

Пойтахтимизда яшовчи О.Т. махсулот савдоси билан шуғулланади. Табиийки, бунинг учун эса тадбиркорга омборхона керак эди. Шунинг учун О.Т. ер сотиб олишни режалаштирди. Ижтимоий тармоқларнинг бирида ер сотилиши ҳақидаги эълонга кўзи тушади ва бир одам билан танишиб ниятини айтади. У харидорни Янгийул тумани ҳокимининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган ва муқаддам судланган Р.У. билан таништиради.

Ана шундан кейин "савдо" бошланган. Собиқ ҳоким ўринбосари ер олмоқчи бўлган одамга Янгийул туман ҳокимининг 2019 йил 4 декабрдаги қарори билан

бекор қилинган қишлоқ хўжалик харитасининг 237-контурасидаги жами 3,54 суғориладиган ер майдони ҳужжатини кўрсатади. Аслида, ер ажратиш ҳақидаги қарор бекор бўлган бўлса-да, яширади.

Ер майдони нархини 150.000 АҚШ долларига "баҳолайди". "Ҳозир ер майдонини шундай сотиб бўлмайди. Аввал, бино қурилгандан кейин олди-сотди ҳужжатларини қиламиз", деган гаплари билан алдаб, О.Т. дан 40.000 АҚШ долларини олади. Ишни юришиб кетиши учун омборхона зарур эди, – дейди жабрланувчи суддаги кўрсатмасида. Жабрланувчи Р.У. бино қурилгандан кейин ерни сотиш

мумкинлигини айтиб, аванс сифатида 40.000 АҚШ доллари олганини ва ҳужжатларни расмийлаштиришни пайсалга солиб юрганини қайд этиб ўтган. Бекор бўлган қарорни кўрсатиб алдаганини, олган пулларини эҳтиёжга ишлатиб юборганини, судланувчидан 40.000 АҚШ долларини ундириб беришни сўраб ариза билан мурожаат қилганини ҳамда Р.У.га қонуний чора кўриш лозимлигини таъкидлаган.

Суд судланувчининг муқаддам жазога тортилганлигини ҳисобга олди. Р.У. 8 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Фаррух ЭРГАШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг судьяси.

Бу қизиқ



– Плутон сайёрасининг бир йили Ернинг 247 йилига тенг.



– Агар Ердан Қуёшга реактив самолёт бора олганида, 800 км/соат тезлигида 21 йилда етар эди.



– Ҳар йили Ой Ердан деярли 4 сантиметрга узоқлашмоқда. Бунга кўплаб сабаблар бор. Улардан бири – Ернинг айланиш даври кунига 2 миллисонияга секинлашишидир.




– Қуёш сониясига миллиард килограммдан ортиқ вазн йўқотади. Бу Қуёш шамоли Қуёшнинг сирти бўйлаб турли йўналишларда ҳаракатланаётган зарралар оқими орқали амалга оширилади. Қуёш шамоли заррачасининг ўзи, 160 км. масофада турган одамнинг ҳаётига зомин бўлади.


КОИНОТ ҲАҚИДА 10 ТА ФАКТ



– Уртача тезлиги 96 км/с. бўлган автомобиль, бизга энг яқин бўлган юлдуз (Қуёшдан кейин) – Проксима Сентаврага етиб бориши учун тахминан 48 миллион йил талаб этади.



– Ганимед – Юпитер сайёрасининг энг йирик йўлдошларидан бири бўлиб, у Меркурий сайёрасидан ҳам каттадир. Ганимед диаметри тахминан 5269 километрга тенг.




– Меркурий сайёрасидаги кун ундаги йилдан икки баробар катта. Меркурий ўз ўқи атрофида жуда секин айланади, Қуёш атрофида бир айланиши эса салкам 88 кунга тенглаштирилади.



– Нейтрон юлдузлари коинотда энг кучли магнитлар ҳисобланади. Нейтрон юлдузининг магнит майдони Ер магнит майдонидан миллион-миллион марта катта. Агар Нейтрон юлдузлар таркиб топган моддани чойқошиққа солсангиз, унинг оғирлиги 110 миллион тоннага тенг бўлади.



– Ер – тўла Қуёш тутилишини кузатиш мумкин бўлган, Қуёш тизимидаги ягона жой.



– 5 миллиард йилдан сўнг Қуёш таркибидаги барча водород ёниб тугайди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ТУРЛИ НОМЛАР БИЛАН АТАЛГАН ҲАҚИҚАТ

Биламизки, ҳозирги кунда бутун дунёда катта теннис энг машҳур спорт тури ҳисобланади. Спортнинг бир қатор турларидан аввал олимпиада ўйинларига киритилган, узоқ ўтмишга эга бўлган бу жозибдор ўйин жуда кўп инсонларни ўзига жалб қилади. Шу боис, унинг ишқибозларининг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Айниқса, охириги ўн йилликда бу спорт жуда ҳам машҳур бўлишга улгурган.



Тарихий маълумотларга қараганда, теннисни 1555 йилда италиялик Антонио Скайно томонидан ихтиро қилинганига асосланганда, унда ушбу ўйин 458 ёшда. Агар уни 1873 йилда Британиялик Уолтер Клонтон Уингфилд “ёрдамида” туғилганлиги эътиборга олинса, унда теннис 140 йилдан буён “яшаб” келмоқда, деб айтиш мумкин. Лекин уни илк бор ибтидоий кўринишда вужудга келиши ва ривожланиш илдизига аҳамият қаратилганда, мазкур ўйин қадимий Рим ва Юнонистонда кўп инсонларнинг диққатини ўзига жалб қилгани ҳам маълум бўлмоқда.

1874 йил 23 февраль куни инглиз майори Уолтер Уингфилд теннис ўйини учун расмий патент олишга муяссар бўлган. Бу ўйин турли халқлар томонидан турлича номлар билан аталган. Масалан, Англияда “ройал-теннис”, Францияда “же-де-пом”, Италияда эса “плоне”

деб аталган. Бу ўйин аввал теридан тикилган копток бўлиб, кафт билан ўйналган. Лекин коптокнинг ерда сакраши қийин бўлган. Шунинг учун кейинчалик теннис тошдан қурилган “баллхаусах” деб аталадиган махсус залларда ўйналган.

XIX аср ўрталарига келиб каучукли коптокларни ишлаб чиқариш бошлаганилиги муносабати билан бу спорт тури очик ҳавода ўйналадиган бўлди. Биринчи ҳаваскор теннис ўйинчиларини Англияда 1872 йилда рўйхатга олиш бошланган. Шу вақтда Уолтер Уингфилднинг ташаббуси билан теннис ўйинини “Лаун-теннис”, деб аташ урф бўлди.

Уингфилд грекчада “Копток ўйини”, яъни “Сферистика” деб номланган китоб чоп эттирди. Бироз вақтдан кейин бу китобни “Лаун-теннис” номи билан алмаштирди. Шу билан бирга, Уингфилд теннис жамланмасини сотувга чиқарди. Бу бир нечта копток, тўртта ракетка ва тўрдан иборат эди. 1874 йилда эса мазкур ўйиннинг тартибини чоп эттирди.

Интернет манбалари асосида тайёрланди



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллодда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
М. САНАЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун – 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 7200 нусха